



Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 3 февраль, сешанба, №12 (3658).



>>> Президент

МАСЪУЛИЯТ ВА БУНЁДКОР ВАТАНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

**ҚАСИМ-ЖҲҲМАРТ
ТЎҚАЕВ
АСТАНАДА
ЎТГАН
КЎНГИЛЛИЛАР
АНЖУМАНИДА
МАЪРУЗА
ҚИЛДИ**



Тадбир иштирокчиларига мурожаат қилар экан, Президент Қасим-Жумарт Тўқаев ёшлар халқ ва жамият манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилаётганини ва 2026 йил бутун дунёда Халқаро кўнгиллилар йили деб эълон қилинганини таъкидлади. Президент бу ташаббусни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурган бўлиб, унинг таклифи халқаро миқёсда қўллаб-қувватланган.

– Қозоғистон илғор давлат сифатида бутун инсоният учун умумий қадриятларни тарғиб қилиб, уларни келажак авлодларга етказмоқда. Кўнгилли бўлиш – эзгу ишларга бош бўлиш, яхшилик улашиш, бошқаларга намуна бўлиш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ва уни асраш демакдир. Фақат пок ниятли, қалби тоза ёшларгина кўнгиллиликка қадам қўяди ва ўзини фидокорона меҳнатга бағишлайди.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, ушбу ҳаракат тараққийпарвар жамиятнинг ёрқин кўзгусидир. Ҳақиқий кўнгилли – онгли фуқаро бўлиб, у учун жамият фаровонлиги ва миллий манфаатлар энг олий қадрият ҳисобланади. Фурсатдан фойдаланиб, сизларга самимий миннатдорчилик билдираман, – деди Президент.

Олижаноблик, саховат, ёрдам қўлини чўзишга тайёрлик – бу халқимизнинг табиатида хос фазилатлар бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Президент таъкидлаганидек, аждодларимиз учун юксак маънавият мезони – яқинга меҳр-шафқат ва табиат билан уйғунликда яшаш бўлган.

(Давоми 2-бетда). >

>>> Қозоғистон жаҳон ОАВларида

**“The Times of Central Asia”:
Бу йил 60 миллиард
доллардан зиёд сармоя
жалб этилади**

Қозоғистон 2026 йилда умумий ҳажми 62,7 миллиард долларни ташкил этувчи сармоя жалб этишни режалаштирмоқда, шу жумладан, 25,5 млрд доллар – хорижий капитал. Бу маълумотлар Бош вазир Ўлжас Бектенов раислигида сармоя стратегияси бўйича ўтказилган Ҳукумат йиғилишида айтилди.

2025 йилда асосий капиталга жалб этилган сармоялар 45 миллиард долларга етди. Бу йил Ҳукумат умумий қиймати тахминан 32 миллиард доллар бўлган 475та сармоявий лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда. Натижада 1100дан зиёд доимий иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Бош вазирнинг таъкидлашича, давлат идораларига сармоялар ҳажмини ошириш, қўшилган қиймати юқори лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси юқлатилган. Ушбу мақсадга мувофиқ, Қозоғистоннинг 2030 йилгача мўлжалланган сармоявий сиёсат концепцияси янгиланди.

Келгусида Қозоғистон Ҳукумати сармоя жалб этиш усулларини қайта кўриб чиқади. Шунингдек, сармоя омбулсманнинг вазифалари Бош прокуратура тасарруфига ўтказилди. Собиқ сармоялар кўмитаси эса сармоядорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш кўмитаси сифатида қайта ташкил этилган. Бош прокуратуранинг маълум қилишича, ислохот сармоядорлар иштирокидаги суд низоларини 30 фоизга қисқартириш имконини беради.

**“Report”:
АҚШга “Лукойл”
компаниясига оид хат
йўлланди**

ҚР Энергетика вазирлиги АҚШнинг Молия вазирлиги қошидаги Хорижий активларни назорат қилиш бўйича бошқармасига (OFAC) “Лукойл” компаниясининг Қозо-

60 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР САРМОЯ, “ЛУКОЙЛ” САВДОСИ ВА ИСРОИЛ БИЛАН АЛОҚАЛАР



ғистондаги лойиҳалари улушини сотиб олишга оид мактуб йўллади. Энергетика вазири Ерлан Ақкенженовнинг фикрича, Қозоғистоннинг мазкур улушини харид қилишда устувор ҳуқуқи мавжуд.

– Сотиб олишда, албатта, нақд ҳисоб-китоб қилиш шарт эмас. Акциялар пакети харидининг турли йўллари бор, жумладан, тўловни хомашёни сотишдан тушадиган даромад орқали амалга ошириш мумкин. Кўплаб нусхалар бор ва уларнинг барчасини кўриб чиқиш имконияти мавжуд, – деди Ерлан Ақкенженов.

**“ТАСС”:
Қозоғистон Хитой билан
биргаликда тўртта электр
станциясини барпо этади**

Мажлис депутатлари Қозоғистон ва Хитой Ҳукуматлари ўртасида қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ) соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги келишувни ратификация қилди. Ушбу келишув мамлакат ҳудудида тўртта электр станциясини барпо этишни кўзда тутди.

Бу келишув 2024 йилда Бокуда

имзоланган. Лойиҳа доирасида умумий қуввати 1,5 ГВт бўлган учта шамол электр станцияси ва қуввати 300 МВт бўлган бир куёш электр станциясини қуриш режалаштирилган. Улар Павлодар, Қарағанди ва Туркистон вилоятларида барпо этилади.

**“Anadolu”:
Қозоғистон ва
Исроил сунъий идрок
соҳасидаги ҳамкорликни
муҳокама қилди**

Давлат раҳбари Қозоғистонга расмий ташриф билан келган Исроил ташқи ишлар вазирини қабул қилди. Учрашувнинг асосий мавзуси савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликка бағишланган ва келгусидаги лойиҳаларни амалга ошириш масаласи эътибордан четда қолмади.

Исроил ташқи ишлар вазири Қозоғистонда амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларга юксак баҳо бериб, ушбу ислохотларни амалга оширишда омад тилади.

**Жаҳон ахборот агентликлари
маълумотлари асосида.**



ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ: ҚАДРИЯТЛАР, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛГА ЙЎЛ

2026 йил 31 январь куни Конституция комиссияси Қозоғистоннинг янги Конституцияси лойиҳасини эълон қилди.

Янги Асосий қонун лойиҳаси фуқаролар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва мутахассислардан келиб тушган таклифлар асосида тайёрланди. Бу жараён очиқ муҳокамалар ва кенг жамоатчилик иштирокида амалга оширилди.

ИСЛОҲОТНИНГ БОШЛАНИШИ

Конституциявий ислохотларга Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаевнинг ташаббуси туртки бўлди. Президент 2025 йил 8 сентябрдаги Мақтубида Қозоғистонда бир палатали Парламент ташкил этиш ҳоёсини илгари сурган эди.

Ушбу ислохотлар мамлакатнинг сиёсий тизимини янгилаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш мақсадида таклиф қилинган.

ТАКЛИФЛАР ЯРИМ ЙИЛ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

2025 йил октябрь ойида парламент ислохоти бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Унга ҳуқуқшунослар, экспертлар, партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари киритилди.

Фуқаролар e-Otinish ва eGov порталлари орқали ўз фикр ва таклифларини йўллашди.

Ярим йил давомида 2 мингдан зиёд таклиф келиб тушди ва барчаси муҳокама қилинди.

КОНСТИТУЦИЯ КОМИССИЯСИ ТУЗИЛДИ

2026 йил 21 январда 130 нафар аъзодан иборат Конституция комиссияси ташкил этилди. Унга мамлакатнинг барча минтақалари ва ижтимоий қатламлари вакиллари кирди.

Комиссияга Конституциявий суд раиси Элвира Азимова раҳбарлик қилмоқда. Унинг ўринбосарлари – давлат маслаҳатчиси Ерлан Қарин ва Бош вазир ўринбосари, маданият ва ахборот вазири Аида Балаева.

Комиссия ййгилишлари очиқ ўтказилиб, жонли эфирда намойиш қилинди.

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯДА НИМАЛАР ЎЗГАРМОҚДА?

Комиссия аъзолари Конституциянинг деярли барча бўлимларини қамраб олган таклифларни кўриб чиқди. 77 моддага, яъни матннинг 84 фоизига ўзгариш киритилиши режалаштирилмоқда.

Шунинг учун янги Конституция қабул қилиш масаласи кўтарилди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – АСОСИЙ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Янги Конституциянинг асосий ҳоёси – инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор қадриятдир.

Қонунчилик тарихида илк бор инсон ҳуқуқлари давлатнинг энг муҳим вазифаси сифатида белгиланмоқда.

- Шунингдек:
- миллиятларо ва динларо тотувлик давлатчилик асоси деб эътироф этилди;
 - эгаменлик, мустақиллик ва ҳудудий яхлитлик ўзгармас қадриятлар сифатида мустаҳкамланди;
 - адолат, қонун ва тартиб, табиатни

асраш каби тамойиллар Конституция даражасида белгиланди;

- давлат ҳокимиятининг ягона манбаи – халқ экани яна бир бор қайд этилди.

КЕЛАЖАК БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯДА

Янги Конституцияда таълим, фан, маданият ва инновациялар давлатнинг асосий йўналиши сифатида ифодасини топмоқда.

Яъни мамлакат келажаги табиий бойликларда эмас, инсон капиталида экани таъкидланмоқда.

Шу билан бирга рақамлаштириш масаласи ҳам алоҳида ўрин олган. Илк бор фуқароларнинг рақамли муҳитдаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш меъёри киритилмоқда.

ДИН ВА ДАВЛАТ АЖРАТИЛАДИ

Лойиҳада дин давлатдан ажратилгани, таълим тизими эса дунёвий экани қатъий белгиланмоқда.

НИКОҲ ҲАҚИДА ЯНГИ ҚОИДА

Конституцияда никоҳ икки томоннинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқига асосланади. Бу қарор анъанавий қадриятларни ҳимоя қилиш ва хотин-қизлар ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган.

ЯНГИ СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР

Лойиҳада қатор муҳим янгилликлар ҳам бор:

- 145 депутатдан иборат бир палатали Парламент – Қурултой ташкил этилади;
- сайловлар пропорционал тизим асосида ўтказилади;
- умуммиллий мулоқот майдони – “Қозоғистон халқ кенгаши” тузилади;
- Президент ўринбосари институти жорий этилади;
- адвокатура ҳақида алоҳида модда киритилади;
- заковат мулки ҳимояси кучайтирилади;
- фуқаролар ҳуқуқлари кафолатлари янада мустаҳкамланади;
- “Миранда қоидаси” Конституцияда акс эттирилади. Бу жуда муҳим ҳуқуқий тамойил. Оддий қилиб айтганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар (полиция, терговчи) инсонни ҳибсга олганда ёки сўроқ қилаётганда унинг ҳуқуқларини дарҳол тушунтириб бериши шарт деган қоида.

ЯКУНИЙ ҚАРОР – РЕФЕРЕНДУМДА

Янги Конституция лойиҳаси бўйича таклифлар ҳали ҳам e-Otinish ва eGov порталлари орқали қабул қилинмоқда. Якуний қарор эса умумхалқ референдумида фуқаролар томонидан қабул қилинади.

Конституция комиссияси иши давом этмоқда.

Zakon.kz маълумотлари асосида.

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Буюк Абайнинг “Комил инсон” ғоясида энг муҳим жиҳатлардан бири сифатида эзгулик қилиш ва яқинларга ёрдам бериш муҳимлиги айтилган. Сизлар ҳам ана шу насиҳатга қатъий амал қилиб, ўз шахсий намунангиз билан ҳақиқий “Адолатпарвар фуқаро” эканингизни намоён этмоқдасиз, — деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Президентнинг таъкидлашича, кўнгиллилар оғир синовлар даврида ҳам масъулият ва жасоратни намоён этмоқда. Пандемия ва сув тошқинлари каби фавқулодда вазиятларда улар қутқарувчилар ва шифокорларга ёрдам бериб, халқнинг бирдамлигини намоён этди.

Қозоғистонда кўнгиллилик ҳаракати жадал ривожланмоқда: фаоллар сони 50 мингдан 300 мингга өтди, ташкилотлар сони 800дан зиёд. Улар экология, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда муҳим ташаббуслар билан чиқмоқда, “Жас ағаш”, “Эко бақылау” ва “Білім өріктері” каби лойиҳаларда қарийб 100 минг нафар кўнгилли фаол иштирок этмоқда.

Президент замонавий технологиялар, айниқса, сунъий идрокни кўнгиллилик фаолиятига кенг татбиқ этиш, рақамли паспорт жорий қилиш ва ҳар бир минтақада барқарор экокўнгиллилик бирлашмаларини шакллантириш қўллаб-қувватланишини маълум қилди.

Шу билан бирга, “Тоza Қозоғистон” ҳаракатини умуммиллий ғоя ва давлат сиёсатининг ажралмас қисми сифатида кенг тарғиб қилиш муҳимлигига эътибор қаратди.

Ҳаракатни ривожлантириш учун давлат даражасида янги тизимли чоралар ҳам зарур. Бугунги кунда Қозоғистонда уч йиллик йўл харитасининг амалга оширилиши яқунланмоқда. Шу муносабат билан Президент Ҳукуматга 2030 йилгача мўлжалланган янги дастурни ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

Президент корпоратив кўнгиллилик (корхона ходимларининг жамоавий равишда хайрия ва ижтимоий лойиҳаларда иштирок этиши)ни бизнеснинг ижтимоий масъулияти сифатида аҳамиятли йўналиш эканлигини таъкидлади. Шу боис тadbиркорлардан шундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, компаниялар ходимлари ҳам кўнгиллилар фаолиятида фаол иштирокини таъминлаш учун шарт-шароит яратишга чақирди.

Президент таъкидлаганидек, кўнгиллилар анжумани Қозоғистон учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга даврда ўтмоқда. У 2025 йилги Мақтубида мамлакатдаги сиёсий замонавийлашув йўналишлари белгиланганини ва бу ташаббуслар жамиятда кенг қўллаб-қувватланаётганини қайд этди.

Шунингдек, сўнгги ярим йилда Қозоғистонда Конституциявий ислохотлар юзасидан атрофлича баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Партиялар, депутатлар, экспертлар ва жамоат фаолларидан келиб тушаётган таклифлар давлат институтларини ривожлантиришдан тортиб, амалдаги Асосий қонун матнидаги тахририй аниқликларгача бўлган масалаларни қамрамоқда.

Президент янги мулоқот майдонларини яратиш ва халқро тажриба алмашиш орқали кўнгиллилик ташаббусларини мувофиқлаштириш зарурлигини таъкидлади.

— Давлат халқ эҳтиёжларига бе-

МАСЪУЛИЯТ ВА БУНЁДКОР ВАТАНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ



фарқ бўлмаган, жамоат ишларига дахлдорлик ҳиссини намоён этаётган тadbиркорларни доимо қўллаб-қувватлайди. Утган йили мен махсус “Меййрім” орденини таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилдим. Бу мукофот халқ ғамини ўйлайдиган ҳақиқий ватанпарварларга чуқур ҳурмат рамзи бўлади, — деди Президент.

Бундан ташқари, Қозоғистон кўнгиллилар ҳаракатини БМТдан ташқари ШХТ, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари кенгаши (СВМДА), МДХ каби ташкилотлар доирасида ҳам ривожлантирмоқда ва бу ишлар давом эттирилади.

Давлат раҳбари шу йили Қозоғистон ташаббуси билан мамлакатимизда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг дастлабки Кўнгиллилар анжумани ўтказилишини маълум қилди.

Шунингдек, апрель ойида Астанада БМТ шафелигида ўтказиладиган Минтақавий экологик саммит доирасида кўнгиллиликка бағишланган махсус сессия ташкил этилиши режалаштирилган. Ушбу тadbир экология соҳасидаги энг яхши лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Президент Каспий денгизида “Ҳаракатлар ҳафталиги”ни ўтказиш ҳамда Оролбўйини тиклашга бағишланган Халқаро кўнгиллилар ҳафталигини ташкил этиш ташаббусларини ҳам қўллаб-қувватлади.

Қ. Тўқаев алоҳида таъкидлаган яна бир муҳим масала — фуқароларнинг экологик маданиятини юксалтиришдир. У буни ривожланган жамиятнинг асосий қадриятларидан бири сифатида баҳолади.

— Бугун кўнгиллилар аҳоли манзилларини ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида улар “Тоza Қозоғистон” тadbбири доирасида 1 300дан зиёд тadbирда иштирок этди. Шунингдек, кўнгиллилар маърифий йўналишда ҳам қўллаб ташаббусларни илгари сурмоқда.

Ана шундай эзгу ишлар туфайли мамлакатда янги экологик маданият шаклланмоқда. Ушбу йўналишдаги фаолиятни янада кучайтириш зарур. Чунки юксак экологик маданият ҳар қандай халқнинг тараққийпарварлиги ва бунёдкорлик салоҳиятини намоён этади.

Дунёдаги тараққий этган мамлакатлар қаторига кириш — миллий стратегиямиздаги энг асосий устувор мақсаддир, — деди давлат раҳбари.

Яқинда Миллий қурултой мажлисида Президент давлат бошқаруви тизимини самарали, барқарор ва мувозанатли этишга қаратилган янги ташаббусларни эълон қилди. Келиб тушган таклифларни тизимли ўрганиш ва умумлаштириш мақсадида Конституциявий комиссия тузилди. Давлат раҳбарининг фикрига

кўра, комиссия аъзоларининг қамрови, касбий маҳорати ва фуқаролик масъулияти мамлакатимизда илгари кузатилмаган даражада.

Президентнинг таъкидлашича, Конституцияга таклиф этилаётган ўзгаришлар кенг қамровли бўлиб, деярли барча бўлим ва моддаларни, шу жумладан, янги муқаддимани ҳам ўз ичига олмоқда. Шу боис комиссия аъзолари муҳокамалар якунида бу ислохотлар янги Конституция қабул қилиш заруратини кўрсатади, деган хулосага келди.

Президент илм-фан, таълим ва инновацияларни ривожлантириш давлат тараққиётининг асосий йўналиши бўлишини таъкидлади. Шунингдек, сунъий идрок ва илгор технологиялар инсон манфаатига хизмат қилиши лозимлигини қайд этди.

Давлат раҳбари умуммиллий бирлиكنи мустаҳкамлаш, атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабат ва бой маданий меросни сақлаш каби қадриятлар ҳам янги Конституцияда ўз аксини топиши муҳимлигини маълум қилди.

— Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар мамлакатимизнинг тараққиётини янги сифат босқичига олиб чиқади, бутун давлат тизимини қайта йўналтириб, ҳокимият ва жамият ҳамкорлигининг янада такомиллашган тизимини яратиш имконини беради. Меҳнат ва матонат туфайли биз белгиланган мақ-

садларга эришиб, ҳар қандай синовдан муваффақиятли ўтамиз. Муҳим жиҳат — ёш авлод очиқ фикрли, билимли, интизомли, яхши ва ёмонни фарқлай оладиган бўлиши лозим. Яна бир бор таъкидлайман: мен халқимизнинг, айниқса, ёшларимиз бунёдкор қудратига ишонаман. Бизда Қозоғистондан бошқа Ватан йўқ! Ҳеч ким ташқаридан келиб, мамлакатимизни яхшилаб бермайди. Фақат ўз қудратимиз билан кучли ва илгор Қозоғистонни барпо этишимиз мумкин.

Бизнинг умумий мақсадимиз — суюкли Ватанимизнинг фаровонлигини таъминлаш, адолатли, хавфсиз ва тоза Қозоғистонни барпо этиш, қонун ва тартиб ҳукмрон бўлган жамият яратиш. Фақат ўз қудратимиз билан кучли ва илгор Қозоғистонни барпо этишимиз мумкин, — деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Анжуман давомида Мажлис депутати, Миллий кўнгиллилар тармоғи раиси Вера Ким, Республика “Тиббиёт ёшлари” жамоат бирлашмаси раиси Абилайхан Абдирах, экокўнгилли Бауржан Жақипов, Европа ва Марказий Осиё бўйича Халқаро кўнгиллилар йили мувофиқлаштирувчиси Зарина Мирабдуллаева ва бошқалар сўзга чиқишди.

Akorda.kz
маълумотлари асосида.



Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров раислигидан ўтган Сармоявий штаб мажлисида минтақада амалга оширилаётган муҳим лойиҳалар ва қатор туман, шаҳар ҳокимларининг сармоя жалб қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги ҳисоботлари тингланди. Ўрдабоши тумани ҳокими Азат Ўралбаев ўзи бошқараётган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, амалга оширилаётган сармоявий лойиҳалар ва режалар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Ҳисобот давомида туманга сармоя жалб қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги иш ўринларини очиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилди. Сўнгги йилларда туманда сармоявий аҳвол сезиларли

ЎРДАБОШИДА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

даражада яхшиланиб, қатор йирик корхоналар ишга туширилди.

Утган йили умумий қиймати 11,5 млрд тенгени ташкил қиладиган 5та сармоявий лойиҳа амалга оширилиб, натижада 364та янги иш ўрни яратилди. Хусусан, гишт заводи, алюминий профили маҳсулотлари чиқарадиган завод, инновацион термобетон ишлаб чиқарадиган корхона очилди. Шунингдек, 4 йилда туман иқтисодиётига 173,8 млрд тенге сармоя жалб қилиниб, шу

жумладан, 2025 йилда 59,6 млрд тенге ўзлаштирилган.

Ҳисоботда келгуси даврга мўлжалланган лойиҳалар ҳақида ҳам ахборот берилди. Жумладан, 2026 йилда умумий қиймати 55 млрд тенгени ташкил қиладиган 57та лойиҳа амалга оширилиб, 1163та янги иш ўрни яратилиши кўзланган. Лойиҳалар саноат, қишлоқ ҳўжалиги, кичик тadbиркорлик, энергетика ва сайёҳлик соҳаларини қамраб олади.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

»» Миллий қурултой қарорлари — ҳаётга!

ЗАЛВОРЛИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Кизилўрда шахрида ўтган V Миллий қурултойда кўтарилган масалалар Янги Қозоғистонни шакллантиришга қаратилган тизимли ва пухта ўйланган ислохотларнинг янги босқичини белгилаб берди. Қурултойда кўтарилган масалалар давлат бошқарувини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда жамият билан ҳокимият ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев солиқ сиёсати давлат эҳтиёжларига мос равишда янгиланиб бориши шартлигини таъкидлади. Агар айрим меъёrlар туфайли тadbиркорлик ривожига тўсиқ юзага келган бўлса, уларни қайта кўриб чиқиш зарурлиги айtilди. Бу, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий фаоллиكنи ошириш, бозорда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун муҳимдир.

Бизнес учун яратилган имтиёзлар бевосита аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Янги иш ўринлари очилади, фуқароларнинг даромади ошади, ортиқча текишувлар ва жарималар қисқаради. Бу эса иқтисодий тараққиёт билан бирга ижтимоий барқарорлиكنи таъминлашга замин яратади.

Қурултойда парламент тизимига доир муҳим ташаббуслар ҳам илгари сурилди. Президент таъкидлаганидек, асосий масала депутатлар сонида эмас, балки қонун чиқарувчи идоранинг самарадорлиги ва масъулиятидир. Парламент ваколатларининг кенгайтирилиши демократик назоратни кучайтиради.

Сайловларнинг янги тизимлар асосида ўтказилиши сиёсий партияларнинг жамият олдидаги масъулиятини оширади. Фуқаролар партия дастурларининг ижросини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатади. Хотин-қизлар ҳамда алоҳида эҳтиёжли фуқаролар учун квоталарнинг сақлаб қолиниши ижтимоий адолат ва барчага тенг муносабат тамойилларига содиқлик ифодасидир.

Қонун қабул қилиш жараёнини уч босқичли ти-



зимга ўтказиш қонун ижодкорлиги сифатини оширишга қаратилган. Бу амалиётдан узок, самара бермайдиган қонунларнинг қабул қилинишига йўл қўймайди.

Қурултойда ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ёшларнинг таълим олиши, касб эгаллаши, тadbиркорлик билан шугўлланиши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун яратилаётган имкониятлар мамлакат келажагининг мустаҳкам пойдеворидир. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш ва қарор қабул қилиш жараёнларига жалб этиш Янги Қозоғистоннинг барқарор тараққиётини таъминловчи муҳим омили бўлиб қолади.

Мухтасар қилиб айтганда, V Миллий қурултойда кўтарилган масалалар эл тараққиёти, давлат барқарорлиги ва фуқаролар фаровонлигини таъминлашга қаратилган стратегик қадамлардан. Демократик тараққиёт изчил ислохотлар орқали шаклланади. Бу жараёнинг муваффақияти қабул қилинган қарорлар, уларнинг ҳаётга қандай татбиқ этилишига, депутатлар, партиялар, айниқса, ёшлар ва бутун жамиятнинг фаол иштирокига бевосита боғлиқдир.

Мадийр МУҲИДДИНОВ,
Сайрам туман маслаҳати депутати.

➤➤➤ Президент Мактуби – ислохотлар харитаси

Янги Қозоғистон ёшлари: имконият ва истиқбол



Семинарда Қорамурт қишлоғидаги

Давыдьян на митинговании вступил в
 ряды партии «Единство» и получил
 право на участие в выборах мэра.
 Изображение: Сергей Савин

В этот момент вступил в ряды партии
 «Единство» Сергей Савин, получив
 право на участие в выборах мэра.
 Изображение: Сергей Савин

3. МУМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

МАТБУОТ – ЖАМИЯТНИНГ ВИЖДОНИ



Авазхон АБДУФАТТОҲ.

»» Дил изҳори

УСТОЗГА ТАЪЗИМ!



Биринчи ўқитувчимиз, меҳрибон, қалби дарё инсон – Мавжуда Қорабоева (тасвирда) маориф соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун “Қўрметтўғи” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Қувонарлиси, устозимизга ушбу юксак мукофот муборак таваллуд кунида топширилди. Азиз устозимизни ушбу кўш шодиёна билан 32 нафар биринчи шогирдлари номидан муборакбод этамиз! Ҳамиша элнинг ҳурмат-эътиборида бўлинг. Сизнинг маориф соҳасидаги узоқ йиллик фаолиятингиз юксак эътироф топганидан қалбларимиз қувончга тўлди.

Чизсам эдим, ҳаётнинг қалами билан,
Офтобдек нурли чехрангизни.
Шогирдлар меҳрин Сизга етказиб,
Таъриф этсам эдим, қудратингизни!
Шогирдлар номидан:

Матлуба ҲУСАНБӨЕВА,
1-сонли гимназия мактаби ўқитувчиси.
Сайрам тумани, Қорамурт қишлоғи.



ТЎЛЕБИЙЛИКЛАР ЯНА ОЛДИНДА



Кўёш энергияси мўъжизалари ҳақида гап бораётганига анча йиллар бўлди. Лекин жаҳонда муқобил энергия манбаларига талаб йилдан йилга ошаётган даврда Ўрта Осиё мамлакатлари бу соҳада анча ортда қолмоқда.

Сўнгги йилларда нефть, газ, кўмир ва атом энергияларига нисбатан муқобил энергия манбаи ҳисобланган тикланадиган энергия манбаларининг рақобатдошлиги сезиларли юксалди. Бу юксалиш шу даражада тараққий этиб бораверса, яқин йилларда тикланадиган энергия манбалари энергия бозорининг асосий қисmini ташкил этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит муҳофазаси ва тараққиёт халқроқ комиссиясининг ҳисоботида қуйидаги жиҳатлар қайд этилган.

Тўлебий туманида бир неча йиллардан буён кўёш батареялари ўрнатилмоқда. Бу ишлар камина раҳбарлик қилаётган “Сайрам-Угам” нодавлат ташкилоти томонидан олиб боришмоқда. Ташкилотимиз асосан чет эллик сайёҳларни туманга жалб этиб, экотуризм хизмати кўрсатиш билан шуғулланади. Кўёш батареяларини аввал сайёҳларни қабул қилиш учун қурилган тоғ ён бағирларидаги меҳмон уйларига ўрнатдик. Мослама электр энергиясини 25 йил давомида узлуксиз бериб туради.

Муқобил энергия манбаларидан бири – кўёш энергиясидан фойдаланиш афзалликлари ҳақида кўп айтилмоқда ва у жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатларида кўп йиллардан буён қўлланилмоқда. Илнинг асосий қисми кўёшли келиши туфайли Қозоғистон кўёш энергиясидан фойдаланишнинг барча иқтисодий йўналишлари бўйича афзалликларга эга.

Биринчидан, тоғ ёнбағирларида қурил-

ган меҳмон уйларига электр энергиясини етказишнинг имкони йўқ. Сайёҳлар учун бу уйларда барча имкониятлар муҳайё бўлиши керак. Иккинчидан, электр энергияси ишлаб чиқариш учун қанча кўмир ва мазут ёқилади. Уларнинг табиатга келтираётган зарарининг ҳисоби йўқ.

Бугунги кунда энергия ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий захираларни оқилонга фойдаланиш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда қонуний, меъёрий ва бошқарув ҳужжатлари ишлаб чиқибли, табиатдан самарали ва масъулиятли фойдаланиш йўллари изланмоқда.

Тикланадиган энергия манбаларини тадқиқ қилиш, экологик тоза ва муқобил энергияни амалиётда кенг қўллаш ҳам устувор вазифалар қаторида белгиланган. Бу орқали табиат ифлосланишининг олди олинади, барқарор тараққиёт учун масъулиятли муносабат шакллантирилади.

Ҳозирнинг ўзида юзлаб замонавий кўёш фотоэлектр станциялари (кўёш батареялари) тумандоғи уйлар ва ташкилотларга ўрнатилди ва бу батареялардан истеъмол учун электр энергияси олинмоқда.

Ташкилотимиз болалар уйидан чиққан йигит-қизларга доимий иш беради. Чунки, ҳозир улар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Уларни вояга етгач, “Ўз кўнингни ўзинг кўр” деб болалар уйидан чиқариб юборишади. Баъзилари касб-техника хунари билан юрти ё коллежларига ўқишга кириб ўз тақдирини ўз қўли билан яратса, баъзилари жиноятга қўл уради. Уларга ҳаётда илк қадамларини ташлаётганда ёрдам керак.

Алихан АБДЕШОВ,
“Сайрам-Угам” нодавлат
ташкилоти раҳбари.

»» Фахрий ҳордиқ шукронаси

ПЕШҚАДАМ ДИРЕКТОР ЗОКИРЖОН ЙЎЛДОШ ЎҒЛИГА САМИМИЙ ТИЛАКЛАР

35 ёшдаги “Жанубий Қозоғистон” нашрининг Эски Иқондаги фаол жамоатчи обуначиси, элда қадрли устозлар сулоласининг муносиб вакили, маориф ва ёшлар тарбияси соҳасида қирқ йил узлуксиз, самарали меҳнати билан юртда танилган туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги ютуқлари муносиб баҳоланган заҳматкаш устоз, Собир Раҳимов номли мактаб директори Зокиржон Йўлдош ўғли Саитовни Саврон тумани таълим бўлими раҳбари Ғани Бақитули Аметбеков бошчилигида қадрдон мактаб устозлари, ўқув даргоҳлари директорлари, ота-оналар, ҳамқишлоқлари фахрий ҳордиқ шукронаси ила самимий муборакбод этишди.

Мақоламиз қаҳрамонининг волидаи муҳтарамаси, ҳаётини ёш авлод тарбиясига сафарбар этган фахрий устоз, 90 ёшдаги Флора ҳожи она Кўчор қизи элда эъзозли муаллим фарзанди Зокиржон

Зокиржон Йўлдош ўғли ўрта мактабдан сўнг В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетини тарих ва жамиятшунослик ихтисоси бўйича кундузги бўлимини ўқиб, тамомлади. Меҳнат



Йўлдош ўғлига оналик тилагини изҳор этиб, дуои фотиҳасини берди. Фахрий ҳордиққа чиқаётган фарзандига ният изҳор этган она ҳам, 63 ёшида табарруқ ёшдаги онасидан табрик тинглаш саодатига ноил бўлган ўғил ҳам бахтли инсонлар. Бу файзли онларнинг гаши-қувончи ўзгачадир.

Зокиржон Йўлдош ўғли 1963 йили 1 январда зиёли оила – Йўлдош ота ва Флора ая хонадонидан

фаолиятини 1985 йили қишлоқдаги ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб бошлади. 2006 йилдан бошлаб мана 20 йилдирки, устозлар жамоасига раҳбар – директор бўлиб, самарали меҳнат қилди. Жуда кўп мукофотлар, хусусан, ҚР Таълим вазирлигининг “Ы. Алтынсарин” кўкрак нишони, “Елеули еңбегі үшін” медалі, қасаба уюшмаси фахрий аъзоси, Саврон тумани ҳокимлиги, таълим бўлими, С.

63 ёш шукронасига элга ёзилган дастурхон узра фаол обуначиларимиз – Дилшод Саитов раҳбарлигида қишлоқ ҳокимлиги, Раҳматжон Абдусатторов етакчилигидаги жамоат ташкилотлари, Мақсуда Мамадалиева, Ҳамида Чолдонова, Қанат Қалиев каби мактаб директорлари, коллеж кутубхоначиси Элзода Субатова, ҳамкасблари номидан Ахтамхон Ахтамов, фарзанд-неваралари



дунёга келди. Отаси совхозда қишлоқчи, онаси маориф соҳасида тер тўккан фахрий устоз.

Умр йўлдоши, Ал-Фаробий номи мактаб ўқитувчиси Венера Ирискул қизи билан муштарак ҳаётлари давомида Анвар, Дилшод, Шерзод, Зулфина исмли олий маълумотли қобил фарзандлар тарбиялаб, вояга етказишди, етти нафар ширин-шакар неваралар суйишди.

Уртанчи ўғли, фаол обуначимиз Дилшод Саитов Саврон туманидаги энг йирик Эски Иқон қишлоқ округи ҳокими лавозимида самарали меҳнат қилмоқда.

Демирел номидаги университет ректорати номидан «Ташаккурномалар» ҳамда «Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси» унвони билан тақдирланган. Ўзи тарбиялаган иқтидорли шогирдлар қамоли ва ота-оналарнинг самимий ҳурмати ўзи учун энг юксак мукофот деб билади. Собир Раҳимов номли мактаб шу йиллар давомида туман, вилоят, республика кўламида ўқув ва спорт бўйича фан олимпиадалари ва беллашувларда фахрий етакчи ўринларни эгаллаб, зафарга эришгани ҳақида газетамиз саҳифаларида мақолалар эълон қилинган.

самимий ниятларини изҳор этиб, мустақкам саломатлик, неваралар, эвара, чеваралар қамолини умр йўлдоши билан бирга кўриш саодатини тилашди. “Жанубий Қозоғистон” таҳририяти ҳам шу эзгу ниятлар ижобатига тилақдош.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Зокиржон Йўлдош ўғли; 90 ёшдаги Флора ҳожи она бошчилигида оила аъзолари, қадрли ҳамкасблар.

Э. СУБАТОВА ва
А. АХТАМОВ тасвирлари.

»» Топиб, ўқинг!

“МАҚСАДИМ – ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ”

Халқ таботати борасида улкан муваффақиятларга эришган ҳамюртимиз, элга таниқли табиб, фахрий профессор, “Турон” Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистон таботати аъзоси, Халқроқ маҳорат, муқобил халқ таботати ва руҳшунослари, шифокорлари, руҳий ва халқ таботати Ҳамжамияти аъзоси Р. Тешабоевнинг “Мақсадим – халқимиз саломатлиги” китоби нашрдан чиқди.

Дарҳақиқат, халқ таботати – инсонлар саломатлиги, узоқ умр кўриши, соғлом турмуш тарзи учун асрлар оша хизмат қилаётган, турли синолардан ўтган ҳаётини ҳазинадир.

Унда табиий гиёҳлар, тоза об-ҳаво, шифобахш сувлардан кундалиқ ҳаёт-

да фойдаланиш ҳақида тавсиялар берилган. Китобни мутолаа қилар экансиз, истеъдодли табибнинг бой тажрибасидан воқиф бўласиз. Бинобарин, китобда Р. Тешабоевнинг ҳаётини тажрибаси, саломатлик ҳақидаги дунёқараш, замонавий табибнинг муаммолари, соғлом турмуш тарзи, келажак ҳақидаги ўйлари ва фикр-мулоҳазалари баён қилинган, шунингдек, у даволаган беморларнинг дил изҳорлари муштарийлар эътиборига ҳавола қилинган.

Қамолжон ШОДИМЕТОВ,
иқтисод фанлари
номзоди, профессор.



Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБӨЕВ.	Масъул шахслар: <i>Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22. Қазигурт – Хуршид КЎЧОРОВ. +7701-447-37-42. Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулқибой – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7742-144-60-71. Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97 Келес, Саригонч – Малика ЭЛТӨЕВА. +7702-841-78-82 Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.</i>	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродрарлиги. ● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт хамда далилларнинг тўғрилиши учун муаллифлар, режиссёр ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VPY0022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR-online” МҲБ бошмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимуков кўчаси, 22.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05 <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i> Нашр кўрсаткичи – 654466. Адади – 10500 нуска. Бўғим № 222. Набатчи муҳаррир: Хуршид КЎЧОРОВ.
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	Қозоғистон Республикасида тарқатилади.		